O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 5 сентябрь, № 174 (4073) Сешанба

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош, қуда-анда бўлиб келган. Мамлакатларимиз мустақиллик йилларида яхши қўшничилик анъаналари асосида ўзаро муносабатларни кенгайтириб, минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш учун яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир. Халқларимиз доим қувончини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.



Бу галги Ўзбекистон-Қозоғистон саммити икки давлат раҳбарларининг ўн еттинчи учрашуви эканлигининг ўзиёқ икки томонлама муносабатлар юксак даражада эканига, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ташқи сиёсатида ўзаро ҳамкорликка нечоғли устувор аҳамият берилишига ёрқин далил бўла олади. Жорий йилнинг 11 январь куни Ислом Каримов Қозоғистон Президентининг инагурация маросимида қатнашиш учун Остонага борди, 19-20 март кунлари эса Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Наврўз байрами арафасида ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммити асосида икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасида келишувга эришилгани ва шу ҳақдаги меморандум имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозоғистон Президентининг «Оқўрда» қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётганида чуқур рамзий маъно борлиги таъкидланди. Зеро, истиқлол шарофати билан бугун Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳамкорликни янги замон руҳида қуриб, уни ҳар томонлама ривожлантирмоқда.

— Бугунги мулоқот жорий йил март ойида Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммитининг мантиқий давомидир, — деди Ислом Каримов. — Биз икки томонлама ҳамкорликнинг имкониятларини юқори қадрлаймиз.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар кўпайтириш лозим, — деди Нурсултон Назарбоев. — Бу бўйича тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар бериш керак.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. 2002 йил 9 сентябрда имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар. Бу ҳужжат билан давлат чегарасини юридик жиҳатдан қайд қилиш бўйича музокара жараёнига нуқта қўйилди ва айни пайтда демаркация ишлари давом этмоқда.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди. Кўплаб халқаро муаммоларга нисбатан қарашлар ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди. Жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар самарали кечаётир. Шу ой ўрталарида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг бу тинчликпарварлик ғояга расмий мақом берувчи ҳужжатни имзолаши режалаштирилмоқда. Мамлакатларимиз террорчилик, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ҳамфикрдир. Бу борада террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, шунингдек барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги 2000 йил 21 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан имзоланган шартнома муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантиришга, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштиришга, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади ва бу ҳуқуқий пойдевор ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. Элликдан ортиқ ҳужжат иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Улар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилда 497,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2004 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 фоизга ортди. Умуман, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми ҳар йили ўртача 20-30 фоиздан ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Юртимизда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, дори-дармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятлари бу кўрсаткичларни бир неча баробар оширишга етади. Масалан, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть-газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши мумкин. Шунингдек, сув-энергетика соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси икки томон учун ҳам фойдали.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг жорий йил март ойида бўлган Тошкент учрашувида икки мамлакатда доимий эҳтиёж мавжуд бўлган товарлар рўйхатини тузиб чиқишга ва бевосита савдосотиқни кенгайтиришга келишиб олинган эди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия Президентларнинг бундай келишувларини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида икки бор Остона (март) ва Тошкентда (август) унинг мажлиси ўтказилиб, давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Жумладан, Тошкентда ўтказилган мажлисда сармоявий ҳамкорлик бўйича 2010 йилгача мўлжалланган дастур, қўшма корхоналарни кўпайтириш, мева ва полиз маҳсулотларини етказиб бериш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, Тошкент учрашувида банклараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш ташаббуси илгари сурилган эди. Июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Қозоғистон Тараққиёт банки» акционерлик жамғармасининг ваколатхонасини рўйхатдан ўтказди ва июль ойида у ўз фаолиятини бошлади.

Март саммитидан кейинги ўзгаришлар қаторига Тошкент — Олмаота-Нукус-Тошкент темир йўл маршрутининг очилгани, Тошкент-Олмаота-Тошкент авиақатновлари сони оширилганини ҳам киритиш мумкин. Бу транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланаётганидан далолат беради.

Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг низомига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида махфий ахборотни ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим, 2001 йил 16 ноябрда имзоланган Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари тўғрисидаги битимга оид протокол, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида давлатга қарашли ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Қозоғистон Республикасининг Сайёҳлик ва спорт бўйича вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Қозоғистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуний билдириб, мулоқотлар сермазмун бўлгани, ўзаро очиқлик ва ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юқсак баҳо берар экан, ушбу сафар асосида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

— Бугун имзоланган Қўшма баёнот, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг расман таъсис этилиши ҳамкорлик йўлидаги амалий ҳаракатларимиздан далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Биз гуманитар соҳадаги алоқаларга ҳам катта аҳамият берамиз. Чунки бу борада ҳам ишга солинмаётган имкониятлар жуда кўп. Савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда мўлжаллаган режаларимизни тўлалигича рўёбга чиқарсак, бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади.

— Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг низоми, гуманитар ҳамда иқтисодий алоқалар бўйича ҳамкорлик дастурлари қабул қилингани муносабатларимиздаги муҳим воқеа бўлди, — деди Нурсултон Назарбоев. — 2006 йилни ўзаро ҳамкорлигимиздаги олға юриш йили, деб аташ мумкин.

Президентлар хавфсизлик масалаларини ҳам муҳокама қилганини, замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда баҳамжиҳат ҳаракатларгина самара беришини таъкидладилар. Абадий дўстлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик асосидаги муносабатлар аждодлардан қолган мерос эканлиги қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини икки баробар кўпайтиришга, ҳамкорликда ҳарбий машқлар ўтказишга келишиб олингани маълум қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Остонадаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гул қўйди, Қозоғистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистонга давлат ташрифи арафасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этди. 1 сентябрь куни Остона шаҳрида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Марказий Осиё мамлакатларининг сув-энергетика консорциумини тузиш ишларини жадаллаштириш мавзуи кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди. Маълумки, Президент Ислом Каримов бир неча йил аввал сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт коммуникациялари бўйича учта консорциум тузиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бу соҳалардаги ҳамкорликни шу тариқа тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Уларнинг концепцияси ишлаб чиқилган. Норасмий саммитда бу масала атрофлича муҳокама этилди.

Президентлар Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолиятини янада фаоллаштириш, жамғарма доирасида Ахборот марказини ташкил этишга келишиб олдилар.

Остона саммитида Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Остона-Тошкент.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ
олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ўзбекистон Республикаси Муҳтарам Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқини мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан чин дилдан табриклайман.

Бизларни қадимдан боғлаб турган маданий ва тарихий алоқалар, икки мамлакат масъул ходимларининг ҳиммати ва саъй-ҳаракатлари ҳамда Сиз Жаноби Олийларининг самарали қўллаб-қувватлашингиз шарофати билан ўзаро ҳамкорликнинг турли лойиҳалари, айниқса иқтисодий соҳадаги режаларни амалга ошириш учун муносиб замин яратади ҳамда икки мамлакат ва минтақадаги барча халқлар бу ҳамкорликнинг ширин меваларидан баҳраманд бўладилар, дея умид қиламан.

Ягона Худованди каримдан Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фароғатли турмуш ва юксалиш тилаб қоламан.

Маҳмуд АҲМАДИЙНЕЖОД,
Эрон Ислом Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунидек қулай фурсат муносабати билан Покистон халқи, Ҳукумати ва шахсан ўз номимдан йўллаётган ғоят қизғин ва самимий қутловларимизни лутфан қабул қилгайсиз.

Сиз Жаноби Олийларининг шу йил май ойида Покистонга қилган ташрифингиз натижасида янада ривожланган мамлакатларимизнинг яқин биродарлик муносабатлари яқин йилларда янада катта куч билан авж олишига ишончим комил.

Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Генерал Парвез МУШАРРАФ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноблари,

Дўст ва биродар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан шахсан ўз номимдан ҳамда Туркия халқи номидан Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини муборакбод этаман.

Маданиятимиз, тарихимиз ва тилимиз муштараклиги туфайли халқларимиз ўртасида мустаҳкам алоқалар мавжуддир ва мен ана шу алоқаларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч орқали умумий манфаатларга асосланган ҳолда тобора мустаҳкамланиб боришини истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, бутун ўзбек халқига эса равнақ ва омонлик тилаб йўллаган қутловларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ахмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Сизни чин юракдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва омонлик, ўзбек халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами ва мустақиллик эълон қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон халқига барқарор иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий равнаққа эришиш йўлидаги ўтиш даврида ишонч ва ғайрат-шижоат тилайман.

Ишончим комилки, Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳтарам Президент Жаноблари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, омонлик ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни йўллайман.

Георги ПАРВАНОВ,
Болгария Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик ва равнақ, шахсан Сизга эса бахт-саодат тилаб билдирган эзгу истакларимни изҳор этаман.

Каролос ПАПУЛИАС,
Греция Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан самимий табрик ва қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ва дўстона муносабатлар муштарак тарихий ҳамда маданий меросимизга асосланган. Биз Ўзбекистон билан кўп томонлама ҳамкорликни юксак қадрлаймиз ва мен ишонаманки, бизнинг муносабатларимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Авул Пакир Жайнулабиддин Абдул КАЛАМ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам — мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини сидқидилдан муборакбод этаман.

Ишончим комилки, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларнинг ривож топиши ва мустаҳкамланиши бундан буён ҳам мамлакатларимиз манфаатларига, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш ишига хизмат қилади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тотувлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн беш йиллик тўйи Сизга ва бутун ўзбек халқига ўзимнинг самимий ва сидқидилдан йўллаётган қутловларимни изҳор этишга қулай имконият беради.

Ўтган давр мобайнида дўст Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида иқтисодий тараққиётда, халқ фаровонлигини оширишда сезиларли ютуқларга эришди, минтақада салмоқли обрў-эътибор қозонди ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муттасил ҳаракат қилаётган фаол аъзоси бўлиб қолди.

Биз асрларга тенг дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналарини, давлатларимиз ва халқларимизни боғлаб турган мустаҳкам алоқаларни қадрлаймиз. Сизни ишонтириб айтаманки, ана шу анъаналарни мустаҳкамлаш ва туб миллий манфаатларимизга мос келадиган ҳамда Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақани равнақ топтиришнинг ғоят муҳим омили бўлган самарали ўзаро фойдали Тожикистон-Ўзбекистон ҳамкорлигининг янги-янги намуналари билан бойитиш йўлида барча зарур ишларни қилишга ҳаракатимиз қатъийдир.

Ушбу шонли фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ ва дўст Ўзбекистоннинг равнақи йўлида янги-янги зафарлар, унинг халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни билан Сизни ва ўзбек халқини беларусь халқи ва шахсан ўз номимдан сидқидилдан муборакбод этаман.

Шуни таъкидлаб ўтишдан мамнунманки, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган Беларусь-Ўзбекистон анъанавий дўстлик муносабатлари тобора ривожланмоқда ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингиз халқига эса равнақ тилаб билдирган қизғин қутловларим ва самимий эзгу тилакларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.

АКИХИТО,
Япония императори.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан мамнуният билан Ўзбекистон халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб йўллаётган энг эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

ЕЛИЗАВЕТА II
Буюк Британия Қироличаси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг самимий қутловларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга Латвия халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловларимни ва шу билан бирга мамлакатингиз ҳамда халқингизга равнақ ва омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Эҳтиром ила,

Вайра Вике-ФРАЙБЕРГА,
Латвия Республикаси Президенти.

НЕЗАВИСИМАЯ ГАЗЕТА

Россияда нашр этиладиган «Независимая газета»нинг шу йил 1 сентябрь сонида «МДҲ мамлакатларида» саҳифасида «Ўзбекистон айсберг эмас ва оғиш хусусиятидан холидир» сарлавҳали мақола чоп этилди. Қуйида ушбу мақоланинг таржимаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН АЙСБЕРГ ЭМАС ВА ОҒИШ ХУСУСИЯТИДАН ХОЛИДИР

Мустақилликнинг 15 йили ичида мамлакат иқтисодий ва сиёсий қудратини исботлади

Бугун Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 15 йиллигини байрам қилмоқда. Гарчи Тошкентда бу воқеанинг аҳамиятини камситишга мойиллик бўлмасада, сиёсий элита мамлакат ўзининг тўлиқ суверенитетига СССР табиий равишда парчалангач эга бўлган, деб ҳисоблайди. Айни пайтда ҳозирги Ўзбекистонни Темур (1336-1404) империясининг бевосита вориси деб аташади. Ўрта асрлардаги бу улкан империянинг пойтахти — Самарқанд ўша даврда дин, астрономия ва санъатни ўрганишда минтақавий марказ бўлган эди. Афтидан, тарих нурли келажакдан дарак бераётганга ўхшайди.

Марказий Осиё давлатларини тадқиқ қилаётган иқтисодчи Шабир Аҳмад Хоннинг қайд этишича, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишда босқичма-босқич равишда рақобатбардош бозор муҳитини яратишга таянди. «Тошкент юритаётган босқичма-босқич ислоҳотлар сиёсати ўзини оқлади ва МДҲ мамлакатлари орасида энг муваффақиятлилардан бири деб ҳисобланди. Танлаб олинган ривожланиш модели Ўзбекистонга иқтисодиётнинг кескин инқирозга юз тутишидан сақланиб қолиш имконини берганлигини тасдиқловчи 90-йиллар бошидаги ўтиш даври кўрсаткичларидан ҳам шуни кўриш мумкин. 1989-1999 йиллар оралиғидаги ишлаб чиқаришнинг тушиши собиқ Иттифоқ ҳудудида энг паст даражада бўлди», деб таъкидлаганди Шабир Аҳмад Хон. Унинг айтишича, мамлакат Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2005 йилда 7,2 фоизга ўсиши, умумий барқарорлик Ўзбекистонга ижтимоий-иқтисодий дастурларни йўлга қўйиш, яъни соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ислоҳотлар, ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлаш имконини берди. БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси ишлари бўйича ижтимоий-иқтисодий комиссияси маълумотларига қараганда, Ўзбекистон мавжуд барча ижтимоий имтиёзларни нафақат сақлаб қолган, балки уларни изчил такомиллаштириб бораётган собиқ Иттифоқ ҳудудидаги ягона давлатдир. Комиссия маърузасида таъкидланишича, мамлакатда сўнгги йиллар Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан бақувват эканига исбот бўладиган бир қанча муҳим лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Гап минтақаларда барпо этилган газни қайта ишлаш станциялари, транспорт коммуникациялари, Тошкент метросининг қўшимча йўналиши, келажакда акциялар пакетини тўлиқ сотиб олиш шарти билан бунёд этилган «UZ-Daewoo Auto Co.» автозаводи ҳақида кетаяпти.

Натижада дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши ҳамон ошиб бормоқда. Масалан, Германиянинг Иқтисодиёт ва меҳнат федерал вазирлигининг МДҲ мамлакатлари бўйича департаменти бошлиғи Петер Лоренц Германия ва Ўзбекистоннинг экспортни кафолатлаш бўйича вазирликлараро қўмитаси қўшма мажлисида мамлакатнинг бутун Марказий Осиё минтақаси иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги муҳим ўрнини таъкидлаб, Ўзбекистон Германия ҳукумати учун муҳим стратегик шерик саналишини айтди. «Ўзбекистон бой минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларига эга ва ГФР учун истиқболли бозордир», деди у.

Денгиз йўлларидан четда бўлган Ўзбекистон учун «Буюк Ипак йўли» лойиҳасида иштирок этиш ҳаётий аҳамиятга эга. Тошкент бу транспорт йўлагига катта аҳамият бермоқда — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу ҳақда ТРАСЕКАнинг 1998 йилдаги конференциясидаёқ айтганди. Ушбу лойиҳани имкони борича тезроқ суръатларда рўёбга чиқариш Ўзбекистон учун стратегик вазифага айланди. Афғонистон билан қўшничилик осон кечмаётган бундай мураккаб минтақада шу қадар очиқ интилиш ҳам, экспертларнинг фикрича, мамлакатнинг бақувват эканлигига яна бир далилдир. Айни пайтда минтақадаги ҳавфсизлик кўп ҳолларда Ўзбекистонга боғлиқ эканлиги ҳам таъкидланади. Самарали тинчлик жараёни учун нафақат модернизацияланган ҳарбий куч, балки шарқона менталитетнинг нозик жиҳатларини тушуниш ҳам талаб этилади. 1993 йилдаёқ БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Ислом Каримов Афғонистондан чиқиб келаётган таҳдид ҳақида биринчилардан бўлиб гапирган эди. Аммо унинг чақириқларини эшитишмади — жаҳон жамоатчилиги ўшанда халқаро терроризм хавфи ва Каримов тилга олган афғон наркосавдоси кўрсаткичларини муболағага йўйди. Афғонистонда «Толибон» ва «Ал-Қоида»нинг илдизлари йўқотилган бўлса-да, муаммо ҳамон долзарб — халқаро терроризм учун деярли асосий даромад ҳисобланган гиёҳванд моддалар савдоси ҳажми пасаймаяпти, йирик давлатлар томонидан бу ажал чоҳига қарши ажратилаётган пуллар эса наркобизнеснинг миллиардлаб долларга етадиган маблағи олдида ҳеч нарса эмас. «Аммо бизни танлаган йўлимиздан ҳеч нарса қайтара олмайди — Ўзбекистон айсберг эмас ва оғиш хусусиятидан холидир», деб баёнот берганди Президент Каримов. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар билан ҳамкорлик учун очиқ. Бунинг ягона ва одил шарти бор, холос. Алоқалар ўзаро тенглик, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида қурилиши керак.

Виктория ПАНФИЛОВА.

Ўтган ҳафтага назар

Ҳаётда нафақат йиллар ёки ойлар, ҳатто ҳар бир сониянинг ҳам ўз ўрни, ўз маъноси бор. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ўтган ҳафта мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида жуда улкан из қолдирди —юртимизда мустақиллигимизнинг 15 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

Қутлуғ кунлар, улуғ байрамлар арафасида республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилган янги биноларни тантанали суратда очиш яхши анъанага айланган. Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида ҳам қўли гул қурувчиларимиз кўплаб янги коллежлар, мактаблар, саройлар, истироҳат боғлари, йўллар, кўприклар, маъмурий биноларни қуриб фойдаланишга топширдилар. Айниқса, пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшадиган кўплаб муҳташам иморатлар қад ростлади. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов уларнинг бир нечтасини бориб кўрди.

ФАРАҲБАХШ КУНЛАР ШУКУҲИ

Шу йилнинг 24 февраль куни Президентимизнинг «М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Орадан ярим йил ҳам ўтмай филиал биноси қуриб битказилди. 30 август куни Юртбошимиз филиалга ташриф буюрди. Бу муҳташам бино билан танишар экан, у атрофдаги иншоотлар билан ягона ансамбль ҳосил қилганини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, бу ўқув юртига талабаларни қабул қилиш МДУ томонидан ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади. Энг муҳими, ушбу илм даргоҳида Россиядан йирик олимлар келиб дарс ўтади. Филиал МДУнинг узвий қисми ҳисобланиб, мамлакатимизга турли соҳаларда малакали мутахассислар, жумладан, илмий-педагогик кадрлар етиштириб беради.

Йўлбошчимиз филиал раҳбариятларидан университет талабаси шарафига муяссар бўлган ёшлар билан суҳбатлашар экан, ушбу филиалнинг очилиши мамлакатимизнинг Россия билан иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлади.

Пойтахтимиз бош майдони бундан 15-20 йил бурун қандай ҳолда бўлганини кўпчилик ҳали эсдан чиқаргани йўқ. Катта қисми бетон билан қопланган майдон ёзнинг жазирама кунлари шунчалик исиб кетардики, бу ерга дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун келган одам иссиқдан бўғилиб қоларди. Ён атрофдаги бинолар ҳам яхлит ансамбль бўлиб бирлашмаганди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан бош майдонни ободонлаштириш ишлари бошланди. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони, Эзгулик аркаси, Сенат биноси барпо этилди. Бугунга келиб, майдон улкан меъморий ансамблга айланди. 30 август куни Президент Ислом Каримов бу ерга келиб, қайтадан қурилган маъмурий бинода амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

— Бу муҳташам бино Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдирди, — деди Юртбошимиз. — Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари бош майдонга туташ жойда барпо этилган Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказини ҳам бориб кўрди. Бир ярим йилда қуриб битказилган мазкур 14 қаватли бино қурилишида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари билан бирга, хорижда таёрланган ноёб ашёлар, жиҳозлар ва ускуналардан ҳам фойдаланилди. Ислом Каримов бунёдкорлик ишларида фаол қатнашган меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатига юксак баҳо берди.

Энг азиз, энг улуғ байрамимиз арафасида мамлакатимиз мустақиллигини мастаҳкамлаш, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган фуқароларимизни юксак мукофотлар — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлаш анъанага айланган. Бу йил ҳам шу қутлуғ анъана давом этди. Президентимиз Фармони билан бир гуруҳ меҳнат илғорлари, адабиёт, санъат, фан арбоблари, ўқитувчи ва мураббийлар юксак мукофотларга сазовор бўлди. Ўтган ҳафтада Юртбошимизнинг ушбу фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўн беш йиллик истиқлол даврида юртимиз нафақат минтақадаги, балки жаҳондаги ўз тараққиёт йўлига, ўз айтар сўзига эга мамлакатлардан бирига айланди. Унинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган ҳафта дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бири Япония бош вазири Жунъичиро Коидзумининг юртимизга ташрифи фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Япония раҳбарини Президент Ислом Каримов қабул қилди. Давлатлар бошлиқларининг яккама-якка учрашуви ва расмий делегацияларнинг музокараларида икки мамлакат ўртасидаги барча соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон — Япония қўшма баёноти қабул қилинди.

Ўтган ҳафтанинг яна ҳам муҳим воқеалари, шубҳасиз, 31 август куни содир бўлди. Ўша куни эрта тонгда Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди.

— Бундай ёдгорликларни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, — деди Юртбошимиз мажмуада бўлиб ўтган маросимда. — Мустабид тузум қурбонларига кўрсатилган бундай эҳтиром кишилардаги «дунёда адолат бор, у эртами-кеч, албатта, юзага чиқади», деган юксак ишончни мастаҳкамлайди.

Шу куни Ислом Каримов Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиб, истиқлол ҳамда эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаган асосий тантана ўша куни кечқурун Миллий боғда бўлиб ўтди. Қувонч ва шодлик ҳукмронлик қилган ушбу маросимда Президентимиз нутқ сўзлади. Юртбошимиз табрикларида, жумладан, шундай дейилади:

«Бугун ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуғ, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қиламан».

Умримизнинг яна бир ҳафтаси ортда қолди. У фарахбахш, қувончли кунлари билан халқимиз хотирасида муҳрланди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

Ғуруримиз оламжаҳон

Мустақил ҳаёт кечираётганимизнинг ўн беш йилини ҳам кутиб олдик. Байрамона кайфият, байрамона хушнудлик кўнгилларимизни тарк этгани йўқ. Тантанали маросимда Юртбошимиз қутлови дилларимиздан жой олди. Ўзингиз ўйланг, ўтган йилларда юртимизнинг келажагини, фуқароларимизнинг фаровон яшашларини ўйлаб, халқимиз турмушида меҳр ва мурувват, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишлар бугун тафаккуримизда ижобий из қолдирди.

Биз, педагоглар бугун ёшларнинг ўз юрти истиқболи учун ёниб курашишларини, ўз Ватани ва байроғи билан ғурурланишларини кўриб қувонамиз. Айниқса, уларнинг барча жабҳада эришаётган муваффақиятларидан бошимиз кўкка етади. Зеро, юртнинг, Ватаннинг қудрати ана шундай ёшлар билан янада мустаҳкам ва ишончлидир.

Бироқ, ушбу муқаддас заминимизни, тинч-осуда ҳаётимизни кўролмайдиганлар, бизга қандай яшашни ўргатишга ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар қулоқларига кўрғошиндай қуйиб олсинларким, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўзбеклар ҳеч қачон ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч кимга қарам бўлмайди. Озодлик деган улуғ неъмат бизга ғурурланишни, фахрланишни ўргатди. Шундай экан, ёт ғоялар бизга бегона. Ёшларимизни ана шундай унсурлардан асрашимиз, авайлашимиз, уларга янада эътиборлироқ бўлишимиз керак. Қолаверса, улар эркин камол топаётган бу Ватан — барчамизники.

Мақсуд ЖАББОРОВ,
Каттақўрғон шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби директори.

Кичик корхонанинг хорижлик ҳамкори

"Уйчи савдо харид" масъулияти чекланган жамияти қошидаги тикувчилик цехида ҳозирда 30 нафар чевар меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, улар томонидан тикилаётган 15 турдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ички бозорда доимо харидоргир.

Кичик корхона маҳсулотлари сифатли ва бежиримлиги боис россиялик тадбиркорларни ҳам қизиқтириб қолди. Пировардида эса, Уйчида тикилган трикотаж маҳсулотлари хорижда ҳам сотила бошланди. Уларнинг ёрлиқларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси акс этгани эса харидорлар қизиқишини тобора орттирмоқда.

— Тез орада бўяш цехини ҳам ишга туширамиз, — дейди корхона иш юритувчиси Боситхон Шарипов. — Шунда яна 50 нафар иш ўрни яратилади.

СУРАТДА: корхона моҳир чевари Муножотхон Турсунова маҳсулотларни намойиш қилмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ишонч» 1 сентябрь.
Шаҳноза Курбонбоева «Ака-ука учувчи Шожалиловлар»:

«Шундай қилиб, узоқ ва тинимсиз изланишлардан сўнг, учувчи Шожалиловлар сулоласи дунёга келади. Фарзандларининг бундай ютуққа эришишида билимли, талабчан онанинг роли катта эди. Марҳабо опанинг ўзи илк бор олти фарзанди ҳарбий учувчи бўлиб етишганидан кейин самолётда парвоз қилган».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1 сентябрь.
Муҳаммад Али «Темур тузуклари»нинг янги нашри»:

«Темур тузуклари» ғаройиб тақдирга эга бўлган ёдгорликдир. Ушбу китоб салтанатнинг сири сифатида, айниқса, ягона нусха эканлиги назарда тутилса (бундай китоблар нодирлиги нуқтаи назаридан нусхаси атай кўпайтирилмайди) пинҳон сақланганлиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Унда жамланган тузуклар, гарчи амалда эса-да, асарнинг мавжудлиги яширин тутилган, дейиш мумкин».

«Маърифат» 1 сентябрь.
Норқобил Жалил «Озодлик ундирган гиёҳ»:

«Азиз замондошим, Асримизнинг бугунги қаҳрамонлари майсалардай жимгина ОЗОДЛИК ОФТОБИдан нур ичиб, сизу биз билан шу осмон остида, шу ер устида бир ҳаводан нафас олиб яшаяптилар. ФИДОЙИЛИК, ВАТАНга, эл-юртга муҳаббат туйғулари уларга қон билан кирган...».

«Моҳият» 1 сентябрь.
Муҳаммаджон Бўтаев «Бахтимни Ўзбекистонда топдим!»:

«Мана Ўзбекистон тупроғига қадам қўйганимга ҳам қирқ йилдан ошаяпти. Бу халқни жуда севиб қолдим. Биз бирбиридан ғоятда узоқдаги икки миллат бўлсак-да, қалбимиз жуда яқиндир».

«Биржа» 1 сентябрь.
Жалолиддин Турдиев «Саодатга элтувчи йўл»:

«Ўрта мактаб ўқувчиси бугун Ватан, Тинчлик, Дўстлик сўзлари қаторида Мустақиллик сўзини ҳам қўлига илк қалам тутган кундан бошлаб ёзишга ҳаракат қилмоқда. Буларнинг барчаси жимжимадор сўзлар ўйини ёки расмиятчилик эмас, аксинча айни ҳақиқат ва чин дил изҳоридир».



ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Ўзбекистон Қаҳрамони Баҳодир Илясовни ҳамкасблари Дарбанд станциясида табриклашди

Бойсун тоғлари бағридаги янги темирйўл станцияси шу куни ҳам, ҳар галгидек, қурувчилар билан гавжум. Ҳамманинг юзида хурсандчилик, табассум. Бунинг боиси бор эди. Биринчидан, узоқ машаққатлардан сўнг баландлиги 85 метрлик Оқтошни ёриб ўтиб, биринчи темир излар ётқизилмоқда, станцияга биринчи ишчи поезди кириб келишига саноқли дақиқалар қолган.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, уларнинг ҳамкасблари — Қаршидаги 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл созловчиси Баҳодир Илясов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлди.

Баҳодир Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун тақдирланган 5 нафар ҳамюртимиз қатори ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

У Шаҳрисабз туманида оддий деҳқон оиласида туғилиб, ўн нафар ўғил-қизлар ичида вояга етди. Мактабни битириб, темирйўлчилик касбини танлади. У бу соҳага ишга келганида қишлоқдан деярли темирйўлчи чиқмаган эди. Ўзи билан яна бир неча йигитларни ўзи ишлаётган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус янги темир йўл линияси қурилишига бошлаб борди. Тоғлик қишлоқдан ҳам темирйўлчилар чиқа бошлади. Қизилқумнинг қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлларида ҳалол меҳнати эвазига «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлди.

Янги йўл қурилиши Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўл линиясига кўчганида ҳаммадан кўпроқ Баҳодир қувонган эди. Чунки бу йўл Қаршини Сурхон воҳаси билан туташтиришдан ташқари минглаб ҳамюртларини қўшни давлат ҳудудидан ўтишдаги ororaю сарсонгарчиликлардан халос этади. Қолаверса, ўзи сингари юзлаб ҳамюртларини иш билан таъминлашга имкон яратилади.

> ***...Президент Фармони ойнаи жаҳон орқали эълон қилинганида, у ҳали тоғда, ишда эди. Кечқурун уйига қайтганида йўл бўйи ҳеч кимга дуч келмади. Шу боис янгиликдан батамом бехабар эди. Биринчи бўлиб уни отаси — 82 ёшли Қиём ака табриклади. Баҳодир ҳангу манг эди. Сўнгра акаси шошганча кириб келди. «Қаҳрамон бўлибсан ука, табриклайман!» деганда ҳам, қулоқларига ишонмади. Чунки бир неча йил илгари орденли бўлган эди-да. Тоғ қўйнидаги камтаргина ҳовли бир пасда тўйхонага айланиб кетди...***

Бойсунга уни ишлаб турган участкасидан олиб кетамиз дейишганида, «Ишим қолиб кетади-ку!» дея эътироз билдирганди. Тошкентдан компания раҳбарлари келишаётганини, ҳамма уни айнан ана шу янги станцияда кутиб турганини, айтишганида, у ишидан танаффус олиб боришга рози бўлди. Бу ерда уни чиндан ҳам тумонат одам кутарди. Қишлоқ оқсоқолларидан тортиб, темир йўл қурувчилари-ю, кўплаб журналистлар телекамералари билан шу ерда. Эндигина гулли ғиштин тошлар ётқизилган, электр чироқлари ўрнатилган ва қийғос арчазордан иборат янги боғ ёнидаги вокзал саҳнида тантанали митинг бошланди. Мамлакатимиз Президентининг Фармонини «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси А. Раматов йиғилганлар олдида ўзгача ҳаяжон билан ўқиб берди. Ҳаммма қувончдан олқишлади. Баҳодир Илясовга зарбоп чопон кийгизилди. Анвойи гуллар тутқазилди. Янги Қаҳрамонни табриклаш учун йиғилган ҳамкасблари, қишлоқ оқсоқоллари сўзга чиқишди.

— Қаҳрамоннинг қадами қутлуғ келди, — деди унинг ҳамкасбларидан бири. — Айни Фармон эълон қилинган куни бир неча ойдан буён йўл қурувчиларини қийнаб келаётган довондан ўтишга муваффақ бўлдик. Юксак зафар билан табриклаймиз, дўстим!

— Унвонинг муборак, укажон! Сизлар катта ишни қиляпсизлар. Азалий орзуларимизни ушалтяпсиз. Янги йўл келган жойга тараққиёт келади, — деди сўз олган қариялардан бири.

Бири-биридан ҳаяжонли табриклар кўп ва мўл бўлди. Қарсаклар жаранги сал нарироқда кўприк қўяётган қудратли техникаларнинг ҳам садосини босиб, тоғлар оша янграётгандек эди.

— Бу мукофот фақат менга эмас, бутун Ўзбекистон темирйўлчиларига янги линия қурилишида олиб борилаётган самарали ишларимиз учун берилди, деб ҳисоблайман, — деди Баҳодир ҳаяжон билан. — Президентимиз ишончини, албатта, оқлаймиз ва «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темирйўл линияси қурилишини муддатида топшириш учун бутун куч ва билимимизни аямаймиз.

Йиғилганлар Қаҳрамон билан эсдалик учун суратга тушдилар, гурунг қурдилар. Митинг тугаши билан ҳамма яна ишга киришиб кетди. Баҳодир яна боя келган машина билан ўз участкасига йўл олди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, унинг иш жойига етиб бордик. Баҳодир аллақачон кийимларини ишчи коржомасига алмаштириб улгурган ва ишга шўнғиган эди.

Ишлар эса бу янги линия қурилишида ана шундай унвонли ва унвонсиз қаҳрамонлар шижоати туфайли жадаллик билан бормоқда. Газетанинг ушбу сони саҳифаланаётганда биринчи ишчи поезди Баҳодир Илясовни табриклаб митинг ўтказилган станцияга иккита йўл қурилиб, ишчи поезди кириб келгани ҳақида маълум қилишди. Станция яқинидаги Оқтош тоғ қоясида қисқа муддат ичида бир миллион куб метрлик портлатиш ишлари амалга оширилиши натижасида шунга эришилди.

Шундай қилиб, умумий узунлиги 223 км.га тенг ушбу мураккаб тоғлик ҳудудда бугунги кунгача икки томондан жами 192,8 километрлик янги темирйўл қуришга муваффақ бўлинди.

Халқимизнинг азалий орзуси бўлган улкан иншоот ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2004 йил октябрь ойида ушбу қурилиш жойига ташриф буюриб, темирйўл қурувчиларига қимматли маслаҳат ва кўрсатмалар берган эди.

Фойдали қазилмалар конларини комплекс ўзлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг янги минтақалари ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, мамлакатнинг ягона темир йўл тармоғини шакллантириш мақсадида барпо этилаётган умумий қиймати 447,4 миллиард сўмни ташкил этадиган янги темирйўл қурилиши бошлангандан буён 34 миллион куб метрдан зиёд тупроқ ишлари бажарилди.

> ...Ўзбекистон Қаҳрамони Баҳодир Илясов билан янги йўлнинг энг юқори нуқтаси — Окработ станциясида хайрлашдик. У гўё қанот боғлагандай ишга киришиб кетди. Кўнглимиздан шундай гап ўтди: юртимиз шуҳратини Баҳодир каби баҳодир ўғлонлар юксалтираверса, эзгу манзилларга етиб боришимиз муқаррар.

Сувонқул РУСТАМОВ,
журналист.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

АБДУЛЛА ОРИПОВ АСАРИ АСОСИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН «СОҲИБҚИРОН» СПЕКТАКЛИ БИЛАН ЎЗИНИНГ ЯНГИ МАВСУМИНИ ОЧДИ.

СЕНТЯБРЬ ОЙИ РЕПЕРТУАР РЕЖАСИ

5.	сешанба	«Қирмизи олма»	Э.Хушвақтов
6.	чоршанба	«Бир қанотлилар», премьера	И.Турсунова
7.	пайшанба	«Ҳасрат боғи», премьера	Шукрулло
8.	жума	«Макр ва муҳаббат», премьера	Ф.Шиллер
9.	шанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
10.	якшанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
11.	душанба	Олимжон Орифжонов 60 ёшда, ижодий кеча	
12.	сешанба	«Ҳасрат боғи», премьера	Шукрулло
13.	чоршанба	«Ўтган замон ҳангомалари»	У.Азим
14.	пайшанба	«Бир қадам йўл»	У.Азим
15.	жума	«Уч кунлик дунё»	Н.Қодиров
16.	шанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
17.	якшанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
18.	душанба	Эркин Комилов 60 ёшда, ижодий кеча	
19.	сешанба	«Бир қанотлилар», премьера	И.Турсунова
20.	чоршанба	«Умр шомидаги бахт»	Дилбар ва Тилаб Маҳмудовлар
21.	пайшанба	«Макр ва муҳаббат», премьера	Ф.Шиллер
22.	жума	«Ҳасрат боғи», премьера	Шукрулло
23.	шанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
24.	якшанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов
25.	душанба	Дам олиш куни	
26.	сешанба	«Дарахтлар тик туриб жон беради»	А.Касона
27.	чоршанба	«Бир қанотлилар», премьера	И.Турсунова
28.	пайшанба	«Макр ва муҳаббат», премьера	Ф.Шиллер
29.	жума	«Ҳасрат боғи», премьера	Шукрулло
30.	шанба	«Андишали келинчак»	Э.Хушвақтов

Вазият тақозоси ила репертуарда ўзгариш бўлиши мумкин.
Спектакллар соат 18.00да бошланади.
Касса соат 10.00дан очик. Телефонлар: 144-17-51, 144-33-75.

Қумқўрғон «Давлат таъминоти» савдо ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси

Ўзбекистон дунё матбуоти нигоҳида

"Демократлаштириш ва янгиланиш йўлида" — Жанубий Кореянинг **"The Korea Times"** газетасида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб эълон қилинган мақолалар тўплами ана шундай номланган. У газетанинг тўрт саҳифасини эгаллаган бўлиб, суратлар билан жуда чиройли тарзда безатилган.

Нашр "Ўзбекистон БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг аъзоси" эканини таъкидлайди.

ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

Тўпламдаги мақолалардан бири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга бағишланган. Бу хусусда гапириб газета, жумладан бундай дейди: *"Ҳар қандай ислоҳотлар ортида оддий бўлмаган шахслар, миллат йўлбошчилари туришини кўпчилик яхши англайди. Улар, одатда, яратувчи ёки ислоҳотчи бўладилар. Аммо бу икки сифатни ҳам ўзида мужассамлаштирган инсонлар камдан-кам учрайди. Ана ўша кам сонли инсонлар орасида Президент Ислом Каримов алоҳида ўрин ва нуфузга эга. Одамлар Президентга ишонди, унинг ортидан борди. Бундай қатъий ишонч ва қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон раҳбарига куч бағишлади, мамлакат танлаган тараққиёт йўли ниҳоятда тўғри эканига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади".*

"Ўзбекистон иқтисодиёти тўғри йўлдан бормоқда", деб номланган мақолада эса миллий иқтисодиёт жадал суръатда ўсаётгани, мамлакатга жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми ортаётганини акс эттирувчи маълумотлар келтириб ўтилган.

"The Korea Times", шунингдек, юртимизда соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, таълим соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ўқувчилар эътиборини жалб этади. Бу ҳақда маълумот бериб, газета, жумладан "биргина 2005 йил давомида Ўзбекистонда 55 та янги мактаб қурилди, 288 та ўқув маскани капитал таъмирдан чиқди, 760 таси таъмирланди", деб ёзади.

Юртимиз истиқлолининг 15 йиллиги Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди. Хусусан, ушбу қутлуғ санага бағишлаб **"World Mass Communication"** журналининг махсус сони нашр этилди. Унда Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йил 25-26 апрель кунлари Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлганини таъкидлаган ҳолда журнал "мазкур ташриф икки давлат йўлбошчилари ҳам икки томонлама, ҳам минтақа миқёсидаги ҳамкорликка тобора муҳимроқ аҳамият қаратаётганининг далили бўлди", деб ёзади.

Эроннинг нуфузли нашрларидан бири, инглиз тилида чоп этилувчи **"Tehran Times"** газетасида ҳам мамлакатимиз тўғрисида бир саҳифали мақола чоп этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги улкан илмий ва интеллектуал салоҳият нафақат сақланиб қолгани, балки изчиллик билан ривожланаётганини қайд этиб, газета "айни пайтда Ўзбекистондаги илмий-техника соҳаси 434 та илмий-тадқиқот ва дизайнерлик ташкилотлари ҳамда институтларни бирлаштириб, уларда 34 мингдан зиёд ходим фаолият юритади", дея таъкидлайди.

Газетхонлар эътибори, шунингдек, соғлиқни сақлашни яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга ҳам қаратилади. "Қишлоқ врачлик пунктларининг очилиши ва умумий амалиёт шифокорлари тизимининг жорий этилиши ушбу соҳадаги ишларнинг аҳволини жиддий ўзгартириб юборди. Айни пайтда қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган 2852 шундай муассаса тиббий хизматлар кўлами ва улардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди", — деб ёзади газета.

Адади 130 мингдан зиёд бўлган ва барча араб мамлакатларида тарқатиладиган Мисрнинг нуфузли **"Ал-Масаийя"** кундалик газетаси юртимизга бағишланган мақола чоп этди. Унинг муаллифи, мисрлик таниқли журналист Муҳаммад Салома Ўзбекистон мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларни таҳлил этиб, жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлардаги юртимизнинг аҳамияти тобора юксалиб бораётганига эътибор қаратади. "1991 йилда Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Тошкент минтақада кечаётган жараёнлар мувозанатини сақлаб турувчи асосий кучга айланди. Унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги иштироки минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ва Марказий Осиёни беқарорлаштириш ниятида бўлган кучларга қарши курашга қаратилган", — дея таъкидлайди журналист.

Туркиянинг **"Эконометри"** журналида эса ушбу мамлакат ишбилармон доираларининг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган нуфузли вакиллари, шунингдек, юртимизнинг Туркиядаги элчиси Улфат Қодиров билан интервьюлар эълон қилинган.

Покистоннинг **"PTV-World"** марказий телеканали орқали намойиш этилган ва юртимизнинг тарихи, анъаналари, санъати, ҳозирги кундаги сиёсий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунига бағишланди. 2 сентябрь куни эса Покистоннинг инглиз тилида чоп этиладиган етакчи газеталаридан бири **"Statesman"** саҳифаларида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг устувор йўналишларига оид иккита мақола эълон қилинди.

Буларнинг бари шу кунларда жаҳон матбуотида мамлакатимиз тўғрисида айтилаётган яхши гапларнинг кичик бир қисми, холос.

Бобур СОБИРОВ,
"Жаҳон" АА.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ **ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР**
Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади

«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКАЛАРИ
(Красноярск)



Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс (998 71) 191-74-63

Тўлов пул ўтказиш ёки нақд пул билан
Маҳсулот сертификатланган

«NG SERVICE» МЧЖ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Эзгу удумларимиз

Саҳарда ширин уйқудан турар экансан, беихтиёр дилингдан шукроналик каломи ўтади. Субҳидам бағридан қушларнинг чуғур-чуғури эшитилади. Бу қушиқнинг дебочасини беозор мусичалар бошлаб беришади. Кузатганмисиз, паррандалар тонг наволарини айнан бир вақтда жўр бўлиб куйлашади. Балки бу ҳам шукроналиқдир. Сахий қуёш бутун борлиққа ризқ-барака берувчи нурларини таратиб, янги кун бошланади. Табиатга чуқур разм солсангиз, буюк қонуниятни, яъни Қуёш Ернинг, сайёра эса ўз бағрида қўним топган бутун мавжудотнинг ҳомийси эканлигини илғайсиз. Ва бундай тенгсиз қудрат соҳиби Яратганга шукроналар айтасиз.

БОБО ҚЎЛИДАГИ ҚОВУН

Ўша ибрат намунасини бир тўда болалар ҳаракатида кузатдим. Кўп қаватли уй болалари жўяк олиб терак қаламчалари ўтказишаётганди. Даставвал, буни уларнинг одатдаги ўйинларига йўйдим. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач қаламчалар қийғос ярпоқ чиқарганига кўзим тушди-ю фикрим ўзгарди: болакайлар мақсадли ва яхши ният-ла ишга қўл уришибди. Улар бозор тўла кўчат бўлса-да, ўз меҳнатлари билан дарахт ўстириб кўпчиликка наф келтиришга чоғланишибди. Аслида ҳам саҳоватпешалик ва қўли очиқлик туйғулари халқимиз феъл-атворида болалик онлариданоқ нигоҳга ташланади. Фақат бу покиза туйғуларга ўз вақтида тўғри шакл бераолсак ва рағбатлантиролсак бас.

Туғилиб ўсган қишлоғим ўртасида темир йўл бор. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари қишлоқ атрофида полиз кўп бўларди. Бундан 3-4 йил муқаддам қарийб 100 ёшга етиб вафот этган отахон ҳам темир йўл яқинида қовун экарди. Эрта-ю кеч поездлар ўтиб турар экан, машинистлар гўё «ҳорманг, отахон» дегандек гудок чалишни одат қилишганди. Отахон ҳам поезд дарчасидан бошини чиқарган машинистларга қўлини кўксига қўйиб, «саломат бўлинглар, раҳмат» деб қўярди-да, яна ишга тушарди. Бу саломалик кун бўйи давом этарди. Ёзнинг гўзал субҳидамларидан бирида полизда қовунлар илк дум берганида миришкор деҳқоннинг кўнглидан ёруғ ният ўтди ва ушбу ўйлаганини амалга ошириш мақсадида узоқдан поезд тақир-туқирини эшитган заҳоти темир йўл томон илдамлади. У кимдандир поездларни қўл кўтариб эмас, бирон бир қизил матони силкитиб тўхтатса бўлади, деб эшитгандек эди. Шу боис қизил белбоғни ечдида, ҳавода айлантира бошлади. Аввалига поезд чинқириб, уч-тўрт бор гудок берди. Сўнгра секинлашди. Узундан-узун вагонлар тизими отахон турган жойдан юз одимча масофада тин олгач, поезддан машинист тушдида, отахонга томон чопиб кела бошлади. Отахон салом беришга ҳам улгурмай ҳайдовчи уни саволга тутди:

— Нима гап, бобой? Тинчликми, йўлнинг қаери бузуқ?

Отахон хотиржамгина:

— Йўл дейсанми? Йўлинг бузуқмас, мен унга тўхтатмадим.

— Унда нега тўхтатдингиз? — дея ҳайдовчининг жаҳли чиқа бошлади.

Деҳқон бобо шунда ҳам шошилмай, дона-дона гапира кетди:

— Халқимизда «Қовун есанг саҳар е...»

— Қанақа қовун, қанақа саҳар? — унинг гапини бўлди малласоч ҳайдовчи.

— Шу десанг, мана бу ўзларинг эрта кўкламдан кўриб ўтаётган ерга озроқ қовун экландим. Азонда полиз ораласам, уч-тўртта қовун пишиб қолибди, узиб чайлага олиб чиқдим...

— Хўш, тезроқ гапиринг, — фиғони чиқди ҳайдовчининг.

— Энди деҳқоннинг удуми шуки, ҳосилнинг олдини йўлдан ўтган, кетган ёки қўни-қўшни билан баҳам кўради. Шундоқ чайлага ўтсанг-да, қовун сўйсам, насибангни еб кетсанг. Дарвоқе, шеригинг ҳам бор чоғи, уни ҳам чақир.

Ҳайдовчи ҳанг-манг бўлиб қолди. Бунинг устига поездда қолган шериги босиб-босиб поезд гудогини чала бошлади.

— Эсингиз жойидами, бобой? Икки тилим қовун есин, деб бутун бошли поездни тўхтатасизми? Ахир, бу ишингизнинг жавобгарлиги бор.

— Жавобгарлигингни тушунмадиму мана бу полизда сизларнинг ҳам ҳақингиз бор. Чунки мен ишлаб турган пайтимда неча бор анави чинқириғинг билан «ҳорманг» деб ўтдиларинг, бу далдаларинг ишимга барака берди.

— Хўп, отахон, сизни тушундим, қовун ейишга эса вақтимиз йўқ, чунки поездлар аниқ вақт билан юради. Ҳозир «график»дан кечикаяпмиз. Лекин бошқа бундай қилманг.

Отахон ҳайдовчининг ҳақиқатдан ҳам шошилаётганлигига ишонч ҳосил қилгач:

— Ундоқ бўлса, мендан ўтибди, ўғлим. Лекин озроқ сабр қил. Икки донагина қовун олиб кет. Йўлда еб кетасизлар, — деди-да, чайласи томон шошилди. Машинист қовунларни қўлтиғига қистирар экан: «Аммо, отахон, эсдан чиқмайдиган воқеа бўлди-да», дея поезд томон югурди. Поезд чинқириб-чинқириб отахоннинг полизини ортда қолдирди. Деҳқон бобонинг кўнгли қарзини узган одамдек хотиржам тортди.

Ҳа, бу бўлган воқеа. Ҳамқишлоқларим қовун ҳақидаги ушбу ҳангомани мароқ билан гапириб юришади. Воқеа тафсилотини ҳар ким ҳар хил баён қилади. Лекин хулосаси ягона: отахон қўли очиқ, саховатпеша инсон бўлган. Оддий кунларнинг биридаги бу воқеа оддий қишлоқ кишиси ҳақида ёркин хотира бўлиб қолди. Лекин отахон ҳаётлигида кимлардир данғиллама тўйлар қилиб ўтди, кимлардир ҳашаматли уйлар қуриб, қимматбаҳо кийимлар кийиб ўтди. Лекин бу дабдабалари отахоннинг икки дона қовуничалик эсда қоларли бўлмади. Чунки, бу ҳашаматлар ботинида керилиш ҳисси устувор эди, отахоннинг бутун бошли поездни тўхтатгани, арзимас эҳсони эса узундан-узун темир йўлдек бағрикенглик ва тоза ният билан йўғрилган эди. Ота оламдан ўтиб кетдилар, аммо темир йўл ва полиз экилган дала ҳамон у билан боғлиқ воқеани эслатиб турибди. Қачон мен ўша жойда бўлар эканман, кўз олдимда қўлларига қовун тутган ҳокисор отахон гавдаланади. Агар қўлимдан келсайди, бу манзарани қоғозга муҳрлар эдим. Ва шубҳасиз ушбу манзара ҳаммани лол қолдирган, озроқ ўйлатиб, сўнгра юзларига табассум бахш этган бўларди. Эҳтимол, ушбу манзара катта мукофотларга сазовор бўлар эди. Ва ҳеч иккиланмай бу пулларга машина-машина қовун сотиб олиб, отахон номидан одамларга тарқатардим. Эҳтимол, бу суратга термилган кишилар орасида дабдабага берилиб, хайр-эҳсонни унутган бадавлатлар бўлар. Ва улар асар моҳиятини тушуниб, чекка бир қишлоқ мактабига компьютер совға қилишга чоғланар, эҳтимол, маҳалласидаги ўйдим-чуқур йўлга бир машина шағал келтирар. Агар сурат муваффақиятли чиқса, уни қишлоғимнинг қоқ марказига ўрнатар эдим. Токи бу гўшага келганлар, ўзбек деҳқонининг жўмардлиги ва саховатпешалиги тимсолини қовун воқеаси содир бўлган жойда яна бир бор дилдан ҳис этишсин.

Ўзбекнинг қўли очиқлик борасида ана шундай оддий, аммо оламга татигулик қадриятлари кўп. Биргина «қўшни товоқ» деб аталувчи одатимиз, билмадим, дунёнинг яна қайси мамлакати ёки халқида бор экан. Ўша бир коса қуюқ-суюқ замирида аслида бебаҳо меҳр-оқибат, саховатпешалик мужассам.

Бундай оддий урф-одатларимиз ҳаммамизга саховат ва мурувват фазилатлари муқаддас эканлигини эслатиб туради. Ва ана шу қадимий удум фарзандларимиз қалб тўрида ўрнашади. Кечагина қўшни ҳовлига таом кўтариб чиққан бола навқирон ва бадавлат йигит бўлгач, катта ҳомийликка қўл уради, ўзидан ортганини одамларга ва жамиятга наф келтирадиган ишларга сарфлайди.

Янги уй-жойлар қурилган маҳаллалардан бирида ҳайдовчи йигит ҳам шинам иморат қурди. У яшаётган кўча қишда лой, ёзда тупроқ кўпчиб ётадиган бир алфозда эди. Йигит тушликка келар экан, машинасига шағал юклаб кўчага тўкишни одат қилди. Кунлар ўтиб, етарли шағал келтириб бўлинди, қўшнилар уюм-уюм шағалларни текислаб, йўлни равон қилишди. Ҳайдовчи йигит ҳам фарзандлари билан бирга ҳашарга қўшилди. Кўча биноийидек бўлди-қолди. Бу йигитни мен яқиндан танийман. Унинг қўни-қўшниларидан ортиқ мол-давлати йўқ, оддий бир ҳайдовчи. Лекин ўша оддий ҳайдовчи катта бир ҳомийлик ишини бажарганини кўпчилик эътироф этди, муҳими, у бу савоб ишни ўз билганича адо этди.

Биз ушбу мулоҳазаларда оддий қишлоқ кишиларининг ҳомийлик ва қўли очиқлик бобидаги кичик, аммо ибратли ишларига мисол келтирдик. Уларнинг исм-шарифларини ҳам, аниқ манзилларини ҳам очиқ ёзмадик. Муҳими, ўша ўйинқароқ болаларнинг қаламчаларидан дов-дарахт яратиши, деҳқон бобонинг поезд ҳайдовчисини қовун билан сийлаши, ҳайдовчи йигитнинг улуғ савоб иши кимларгадир ибрат бўлса, бас! Зеро, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ана шундай ҳайрли ишларга қўл ураётган, ният қилган саховатпешалар орамизда кўплиги маълум. Шубҳасиз, халқ, жамият, Ватан манфаати учун қилинган саъй-ҳаракат муқаддас бурчдир.

Шукрки, ватанимиз йилдан йилга равнақ топиб, ҳар соҳада дадил қадамлар ташланмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда, ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Ижтимоий маданий соҳада туб ўзгаришлар қилинмоқда. Ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар, фермер ва бошқа қўли очиқ кишилар сафи кенгаймоқда. Бу мустақиллигимиз, тинчлигимиз, осойишталигимиз шарофати эканлигини халқимиз бот-бот эътироф этмоқда. Ана шу бебаҳо неъматни авайлаб-асраб, эъзозлаб, ҳар қанча шукроналар айтсак оз. Ва албатта, баҳоли қудрат шукроналик белгиси сифатида ҳомийлик белбоғини маҳкам бойлаб, эл-юртга наф келтира олсак, кўнглимиз янада чароғон бўлиши, ишимизга барака, ризқимизга ризқ қўшилиши тайиндир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ СОҲАСИДА РАДИОЧАСТОТАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИГА ЯККА ТАРТИБДА ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ўтказиш муддати — 2006 йил 3 ноябрь соат 11.00 да.
Танлов ўтказиш жойи — Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-«А» уй, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносидаги мажлислар зали.

Танловга қуйидаги радиочастоталар ва индивидуал лицензиялар қўйилган:

	Частота	Узаткич қуввати	Тарқатиш ҳудуди
	I. Фаолият тури — телевидение эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш)		
1-лот	8-телевизион канал (частоталар полосалари 190-198 МГц)	100 Вт	Жиззах шаҳри
2-лот*	10-телевизион канал (частоталар полосалари 206-214 МГц)	5 кВт	Фарғона водийси
3-лот	24-телевизион канал (частоталар полосалари 494-502 МГц)	100 Вт	Андижон шаҳри ва қисман Андижон вилояти
4-лот	26-телевизион канал (частоталар полосалари 510-518 МГц)	100 Вт	Гулистон шаҳри
5-лот	37-телевизион канал (частоталар полосалари 598-606 МГц)	100 Вт	Бекобод шаҳри Тошкент вилояти
6-лот	39-телевизион канал (частоталар полосалари 614-622 МГц)	100 Вт	Наманган шаҳри ва қисман Наманган вилояти
7-лот	26-телевизион канал (частоталар полосалари 510-518 МГц)	100 Вт	Қўқон шаҳри Фарғона вилояти
8-лот	24-телевизион канал (частоталар полосалари 494-502 МГц)	100 Вт	Тўрткўл шаҳри Қорақалпоғистон Республикаси
9-лот	25-телевизион канал (частоталар полосалари 502-510 МГц)	100 Вт	Фарғона шаҳри ва Марғилон шаҳри Фарғона вилояти
10-лот	26-телевизион канал (частоталар полосалари 510-518 МГц)	100 Вт	Қарши шаҳри
11-лот	23-телевизион канал (частоталар полосалари 486-494 МГц)	100 Вт	Термиз шаҳри
12-лот	8-телевизион канал (частоталар полосалари 190-198 МГц)	100 Вт	Ангрен шаҳри Тошкент вилояти
13-лот	42-телевизион канал (частоталар полосалари 638-646 МГц)	100 Вт	Навоий шаҳри
14-лот	23-телевизион канал (частоталар полосалари 486-494 МГц)	100 Вт	Самарқанд шаҳри
15-лот*	33-телевизион канал (частоталар полосалари 566-574 МГц)	100 Вт	Самарқанд шаҳри
16-лот*	10-телевизион канал (частоталар полосалари 206-214 МГц)	100 Вт	Самарқанд шаҳри
17-лот*	8-телевизион канал (частоталар полосалари 190-198 МГц)	100 Вт	Қўқон шаҳри Фарғона вилояти
18-лот	12-телевизион канал (частоталар полосалари222-230 МГц)	100 Вт	Андижон шаҳри ва Андижон вилояти
19-лот	5-телевизион канал (частоталар полосалари 92-100 МГц)	100 Вт	Фарғона шаҳри ва қисман Фарғона вилояти
20-лот	7-телевизион канал (частоталар полосалари 182-190 МГц)	100 Вт	Газли шаҳри Бухоро вилояти
21-лот	21-телевизион канал (частоталар полосалари 470-478 МГц)	100 Вт	Бухоро шаҳри
22-лот	27-телевизион канал (частоталар полосалари 518-526 МГц)	100 Вт	Бухоро шаҳри
23-лот*	1-телевизион канал (частоталар полосалари 48,5-56,5 МГц)	100 Вт	Қўқон шаҳри Фарғона вилояти
24-лот*	12-телевизион канал (частоталар полосалари 222-230 МГц)	100 Вт	Қарши шаҳри
25-лот*	12-телевизион канал (частоталар полосалари 222-230 МГц)	100 Вт	Вахшивар қўрғони ва қисман Сурхондарё вилояти
26-лот*	9-телевизион канал (частоталар полосалари 198-206 МГц)	100 Вт	Муборак шаҳри Қашқадарё вилояти
27-лот	30-телевизион канал (частоталар полосалари 542-550 МГц)	5 кВт	Тошкент шаҳри ва қисман Тошкент вилояти
28-лот	Теледастурларни тарқатиш MMDS тизими (частоталар полосалари 2500-2700 МГц)	0,05 кВт	Тошкент шаҳри
29-лот	40-телевизион канал (частоталар полосалари 622-630 МГц)	100 Вт	Самарқанд шаҳри
	II. Фаолият тури — радио эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш)		
30-лот	107,2 МГц	1 кВт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
31-лот*	104,5 МГц	500 Вт	Самарқанд шаҳри
32-лот	102,7 МГц	700 Вт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
33-лот	102,7 МГц	1,3 кВт	Андижон ва Фарғона вилоятлари
34-лот	102,7 МГц	250 Вт	Урганч шаҳри ва Хоразм вилояти
35-лот	102,7 МГц	250 Вт	Термиз шаҳри ва қисман Сурхондарё вилояти
36-лот	102,7 МГц	250 Вт	Нукус шаҳри ва қисман Қорақалпоғистон Республикаси
37-лот	102,7 МГц	1 кВт	Навоий ва Бухоро вилоятлари
38-лот	106,9 МГц	250 Вт	Қўқон шаҳри Фарғона вилояти
39-лот	106,9 МГц	250 Вт	Нуробод қўрғони Тошкент вилояти
40-лот	106,9 МГц	250 Вт	Зарафшон шаҳри Навоий вилояти
41-лот	102,5 МГц	250 Вт	Жиззах ва Сирдарё вилоятлари
42-лот	103,1 МГц	250 Вт	Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти

** Ижара шарти билан*

Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни бошлаш муддати — 2006 йил 5 сентябрь.
Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни тугаш муддати — 2006 йил 2 октябрь.

Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзили бўйича қабул қилинади.

Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи.

Маълумот учун телефонлар: 139-84-57, 139-46-13, 139-46-04.

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (www.aci.uz), Давлат алоқа инспекцияси (www.gis.uz) веб-сайтларида танишиш мумкин.

321904654

СПОРТ

Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Шахматчимиз кучлилар сафида

Турнирда 20 дан ортиқ мамлакатдан келган 146 нафар шахматчи ғолиблик учун дона суришди. Ёш, иқтидорли шахматчимиз Раҳматжон Раҳимовга совриндорлар сафида бўлиш учун ярим очко етмади. У 6,5 очко билан кучли ўнликдан жой олди. Мусобақа якунида озарбойжонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Элтой Сафарали 8 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Ҳиндистонлик FIDE устаси Шринач Нараянан 7,5 очко билан иккинчи, англиялик шахматчи Келлам Килпатрик 7 очко жамғариб учинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиз Искандар Орипов ва Нозима Ориповалар учун халқаро турнир тажриба мактабини ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 361-40-33, 361-40-90.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Библиография ва ҳужжатшунослик кафедраси доценти Малоҳат Раҳимовага укаси

Анвар РАҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси «Самарқандпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Нормурод Омоновга падари бузруквори

ОМОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 23456